



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА

Ахборот-коммуникация соҳаси жадал ривожланмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан «Давлат бошқарувини модернизациялаш ва жамиятни демократлаштиришда замонавий ахборот коммуникация технологияларининг роли» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда парламент кўйи палатасининг депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ва ходимлари, ахборот-коммуникация соҳаси мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар «электрон ҳукумат» тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий ҳолати, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат бошқарувини модернизациялаш, давлат ва жамият қурилишида замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги халқаро тажрибани ўрганиш масалаларини кенг муҳокама этилди.

Таъкидландики, мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида тизимли ва чуқур ўйланган давлат сиёсати олиб борилаётган. Бу эса ўз навбатида, миллий ахборот маконини шакллантириш ва ривожлантириш, соҳани ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш имкониятини кенгайтирмоқда. «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва шу асосида бошқа қонун ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгариш ва қўшимчалар тизим фаолиятини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Депутатлар, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнини демократлаштириш, давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини кенг муҳокама қилиш, қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлигига алоҳида тўхталиб ўтишди. Мутахассислар фикрига кўра, ушбу тизимнинг Ягона интерактив давлат хизматлари портали негизда технологик жиҳатдан амалиётга татбиқ этилиши норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда «маъмурий ёндашув»лар билан боғлиқ мавжуд камчиликларни бартараф этиш имкониятини бериши.

— Сўнгги йилларда сон ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари фаолиятида ўз аксини топди, — дейди Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва ЎзХДП фракцияси аъзоси Нўмон Акбаров. — Айни пайтда деярли барча давлат идоралари интернет тармоғида ўзларининг веб-сайтларига эга. Улар ёрдамида аҳолига электрон давлат хизматлари кўрсатиш билан бирга ўз фаолияти тўғрисида ахборотлар бериб бормоқда. Бу аҳоли ўзига керакли ахборотдан қулай ва тез фурсатларда фойдаланиши, шунингдек, жамоатчилик назорати кучайиши учун қўл келмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, тадбир ташкилотчилари томонидан давра суҳбати натижалари бўйича тўпланган материаллар келгусида қонун ижодкорлиги, давлат бошқарувини модернизациялаш ва жамиятни демократлаштиришда замонавий АҚТдан кенг фойдаланиш учун зарур шароит яратилишда тегишли давлат органларининг ташкилий, таҳлилий ишларида кенг фойдаланилиши кўтилмоқда.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«ЎЗБЕКISTON O'VOZI» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: БУГУН ВА КЕЧА

Яқин ўтмишда Қорақалпоғистоннинг қиёфаси қандай эди, фахрланишга арзийдиган нимаси бор эди?.. Мустақиллик йилларида қандай ўзгариш, янгиланишлар рўй берди? Кеча меҳмон келса, нималарни кўрсатиш мумкин эди, бугунчи?..

4



Нукус шаҳри марказининг бугунги ва ўтмишдаги кўриниши

ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР — ЖАМИЯТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Бугун Қашқадарё вилоятида партия аъзоларининг 13 минг нафардан ортигини аёллар ташкил этади. Партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2 нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 5, туман-шаҳар Кенгашларига 26 нафар хотин-қиз депутат этиб сайланган.

Бу эса ижтимоий-сиёсий ҳаётда хотин-қизларнинг фаоллиги тобора ошиб бораётганини кўрсатиб турибди.

ЎзХДП вилоят кенгаши томонидан «Сиёсатчи аёл қандай бўлиши керак?», «Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашда «Фаол аёллар»

қанотининг ўрни», «Эрта турмушнинг олдини олиш», «Она ва бола соғлиги — давлат ҳимоясида» каби мавзуларда интерактив усуллар орқали машғулотлар ўтказиб келинмоқда. «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари»,

«Аёллар соғлиги — жамият бойлиги» лойиҳалари доирасида ўтказилаётган тадбирлар хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур тадбирларда аёлларни ўйлантираётган, қизиқтираётган масалалар хусусида фикр алмашиб, муаммолар ечими бўйича аниқ тақлифлар тайёрланяпти.

Хотин-қизларнинг манфаатларини муҳофаза этишда ҳамкорлар, депутатлар, корхоналарда тузилган бошланғич ташкилотлар билан биргаликда иш олиб борилапти. Айниқса, иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар бўйича олиб борилаётган мониторинг натижаларини таҳлил этишда мазкур ҳамкорлик катта самара бермоқда.

Шахло ХУДОЙКУЛОВА,
Қашқадарё вилоят партия кенгаши масъул ходими.



ЎзХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ТАЖРИБАСИ ўрганилмоқда, оммалаштирилмоқда

Ҳар бир сиёсий партия ўз аъзолари ва тарафдорларини кўпайтиришдан манфаатдор, албатта. Аммо аввало, электорат билан изчил иш олиб бориши, ўз гояси ҳаётийлигини кенг тарғиб қилиши керак бўлади. Бу эса кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаоллигига боғлиқ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бугунги куннинг долзарб мавзулари бўйича давра суҳбатлари, учрашувлар, семинар-тренингларни кўпроқ олиш ҳудудлардаги бошланғич ташкилотларда ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Жорий йил март ойидан бошлаб партия ташкилоти кўйи бўғинлар билан тажриба алмашиш, намунали кўйи бўғинлар ишини кенг оммалаштириш, етакчилар, фаол аъзоларни рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудларга чиқиш, кўйи бўғинлар фаолиятини изчил ўрганиш.

► Давоми 2-бетда.



ҲОКИМ

ёшларнинг саволларига
жавоб берди

Самарқанд вилояти ҳокими Зойир Мирзаев умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан учрашув ўтказди.

Тадбир видеоселектор шаклида ўтказилиб, унда туман, шаҳар ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар идоралари ходимлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари, битирувчи ёшлар ва уларнинг ота-оналари қатнашди.

«Зарафшон» газетаси сайтида берилган хабарга кўра, 160 касб-ҳунар коллежини битираётган 55 минг нафардан ортиқ ёшларни ишга жойлаштириш юзасидан 19 мингдан зиёд корхона ва ташкилот билан тўрт томонлама шартномалар имзоланди.

Тадбирда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари томонидан берилган олтидан ортиқ саволга жавоб қайтарилди.

6560 НАФАР БОЛА

оромгоҳларга жўнаб
кетди

Китоб, Шахрисабз ва Яқкабоғ туманларининг сўлим масканларида жойлашган 19 стационар болалар оромгоҳи биринчи навбатда 6560 нафар ўғил-қизни бағрига олди. Бу ҳақда «Қашқадарё» газетаси сайтида хабар берилган.

Жорий йил ёз ойларида тўрт босқичда жами 26440 нафар боланинг оромгоҳларда дам олдирилиши мўлжалланган. Шундан 1600 нафари кам таъминланган оилалар фарзандлари, 90 нафари Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва 100 нафари иқтидорли болалар бўлиб, улар бепул йўлланмалар билан таъминланади.

«ЎЗКЎРГАЗМА-САВДО
МАРКАЗИ»ДА

2016 йилнинг 9-10 июнь кунлари «Ўзкўргазмасавдо маркази» ҳудудида Тошкент шаҳар Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Мазкур ярмарка Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини намоён этаётгани билан олдингиларидан фарқ қилди. Бугунги кунда иккала ҳудудда 17,5 мингдан зиёд саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларини намоёйиш этаётган корхоналар сони қарийб 400 бўлиб, бу 2015 йилга нисбатан 1,2 маротаба кўндр.

Иштирокчилар томонидан маҳсулотларни экспортга етказиб бериш учун 88,8 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги шартномалар имзоланди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАДАГИ
ЎЗХДП ГРУҲЛАРИ
ФАОЛИЯТИДАН

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА
ЎЗБЕКISTON ХДП ҲУДУДИЙ
КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ
ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА
175 НАФАР ФУҚАРО БАНДЛИК
МАСАЛАСИДА МУРОЖААТ ҚИЛДИ.

ЗАРАФШОН ШАҲАР ПАРТИЯ
КЕНГАШИ ФАОЛЛАРИ «ДОИМО
ЭЪТИБОРИМИЗДАСИЗ» ЛОЙИҲАСИ
ДОИРАСИДА КЕКСАЛАР ҲАМДА
ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ФУҚАРОЛАР
ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛОТ ТУМАН КЕНГАШИ-
ДАГИ ЎЗХДП ГРУҲИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА
МУҲТОЖ ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИ, АЙНИҚ-
СА, ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛ-
ЛАНИШИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР-
НИ ЎРГАНИБ, СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТДИ.

ЎзХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

■ БПТ томонидан кўтарилаётган ҳеч бир таклиф эътибордан четда қолмаслиги лозим. Партия ташкилотлари, гуруҳлари уларни чуқур таҳлил этиб, ҳаётга татбиқ қилиш учун курашиши керак.

НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ТАЖРИБАСИ ўрганилмоқда, оммалаштирилмоқда

Тошкент вилоят кенгаши масъул ходимлари, Бекобод ва Бўқа туман партия кенгашлари фаоллари, депутатлар билан Ўрта Чирчиқ туманига кириб борганимизда бизни партиямиз етакчиси Эгамберди Эрнazarов хушқайфият билан кутиб олди.

— Туманимизга хуш келиб-сизлар! Бугун сизларни намуна башланғич ташкилотлар фаолияти билан яқиндан таништирамиз, — деди у.

Айни пайтда ҳудудимизда партиямизнинг 37 бошланғич ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашнинг 30 нафар депутатидан 8 нафари ЎзХДП вакиллари. Уларнинг партиямиз куйи ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги туфайли туман Кенгаши сессияларига электротат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ўнлаб масалалар киритилди.

Умуман, электротат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия гояларини аҳоли орасида кенг тарғиб этишда бошланғич ташкилотларга суяниб иш кўрамиз. Сизларни дастлаб «Майрамқўл» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги бошланғич ташкилот билан таништирамиз.

Маҳалла фуқаролар йиғини

Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

биноси яқинда фойдаланишга топширилган экан. Шинамгина хоналарга кириб борганимизда маҳалла ҳақидаги маълумотлар билан бирга партиямиз фаолиятига оид кўплаб ҳужжатлар тартиб билан жойлаштирилганини кўрдик. Хона бурчагида бошланғич ташкилот паспорти ўрин олган. Шунингдек, бошланғич ташкилот ва етакчининг кундалик иш режаси тузилган. Иштирокчилар бошланғич партия ташкилоти иши билан танишиш асносида, ўзаро фикр алмашишди, ютуқ ва камчиликларни муҳокама қилишди.

Шунингдек, учрашув баҳонасида партияга янги қабул

қилинган аъзоларга гувоҳнома-лар топширилди.

— Маҳалламизда 2187 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди **маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партия фаоли ўткир Эшов**. — Уларнинг 100 га яқини ЎзХДП аъзоси. Партиямиз гоялари бевоқиф маҳалла фаолияти билан боғлиқлиги сабабли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тадбирларни кўпроқ ўтказамиз. Электротат манфаатлари самарали ҳимоя этилишида бу жуда кўл келади. Биз фуқаролар мурожаатларини депутатлар билан бирга ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Хар ойнинг охири пайшанбасида сиёсий ўқув ташкил этилади.

Унда қонунчилигимизга оид ўзгаришлар, сиёсий партия ва унинг аъзолари зиммасига юклатилган вазифалар тушунириб борилади. Бу албатта, аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлиги ошишида муҳим аҳамиятга эга.

— Шунингдек таъкидлаш керакки, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, аъзоларини партия юқори ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция олиб бораётган ишлар билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди **«Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ туман**

Кенгаши депутати Гулнора Файзуллаева. — Ҳўш, бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Аввало, партиянинг Марказий Кенгашидан тортиб туман, шаҳар ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлашимиз керак. БПТ томонидан кўтарилаётган ҳеч бир таклиф эътибордан четда қолмаслиги лозим. Партия ташкилотлари, гуруҳлари уларни чуқур таҳлил этиб, ҳаётга татбиқ қилиш учун курашиши керак. Биз бу тажрибадан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Маҳалламизда аҳолини, электротат вакиллари йўлантираётган масалаларни депутатлик сўрови орқали ечишга ҳамда уларни сессияларда кўрилишига эришишга ҳаракат қиламиз.

Саёҳатимиз «Бурғалик» маҳалласида давом этди. Маҳалла маслаҳатчиси Санобар Ҳайдарова маҳаллада амалда оширилаётган ишлар, бошланғич партия ташкилоти ташаббуслари ҳақида гапириб берди.

— Аҳолидан турли масалаларда мурожаатлар бўлади, — дейди у. — Уларни бошланғич партия ташкилоти йиғилишида атрофчи муҳокама қиламиз. Муаммолар ўз вақтида ҳал этилишида фаолларимизнинг ҳиссаси катта бўлади. Чунки улар электротатни йўлантираётган масалаларни яхши билишди. Биз мурожаатлар асосида депутатларга, туман партия кенгашига таклифлар билан чиқамиз. Бу фаолиятимиз

самарасида кўл келади, албатта. Тажриба алмашиш «Истиқлол» қишлоғидаги маҳаллада яқунланди. Бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишиш давомида уларни янада жонлантиришга хизмат қиладиган таклифлар билдирилди.

— Аслида бугунгидек жонли мулоқотлар, жойларга чиқиб тажриба алмашиш амалиёти фаолиятимизда яхши самара беради, — дейди **халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгаши депутати, шаҳар кўптармоқли марказий поликлиникаси бош врач Раёно Сатторов**. — Бир хилликдан, бир хил усуллардан қочишимиз керак. Одамлар фойдали тадбирларга, янгиликларга интилади. Тажриба алмашиш бизга ҳар томонлама фойдалидир.

— Бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш эди, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши сектор мудири Илмижаҳон Тлеубергенова**. — Ўйлайманки, биз мақсадга эришдик. Тадбир давомида камчиликлар тўғрисида ҳам сўз борди. Олис ҳудудлардаги бошланғич партия ташкилотлари моддий-техник базасини яхшилашга, айнақса, уларни ҳуқуқий сиёсий адабиётлар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН

Тарғибот таъсирчанлигини кучайтириш керак

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган навабатдаги ўқув-семинари сиёсий партиялар тарғиботида сиёсий технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ошириш масалаларига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши масъул ходимлари, депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах вилоят ҳудудий бўлини маси мутахассислари, «Тарғиботчилар» гуруҳи аъзолари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда партия дастурий гоялари тарғиботини янада кучайтириш, уларни таъсирчан усулларда олиб бориш ҳамда сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Ўқув-семинар якунида барча даражадаги партия ташкилотлари етакчиларига сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Кексалар ҳамиша эътиборда

Пойтахтимиздаги Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида «Қалбимиз ардоғидасиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Олмazor туман кенгашлари масъуллари, депутатлар, партия фаоллари ва ёшлар иштирокида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда ёши улуг инсонларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларга муносиб турмуш шароити яратишга

алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари пансионатда имконияти чекланган нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт даражасини юксалтириш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишишди. Кексалар билан самимий суҳбат уюштирилди.

Ҳудудий партия кенгашлари ахборотлари асосида
Аброр КУРБОНОВ тайёрлади.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ!

Ёшлар «оммавий маданият»га қарши

Пойтахтимиздаги Иккинчи Республика тиббиёт коллежиде «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!» шiori остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада соғломлаштириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат туйғуларини чуқур синдириш, миллий анъана ва қадриятларимизни ривожлантириш ҳамда изчил тарғиб этиш борасида кенг қўллади ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ёш авлоднинг турли маънавий таҳдидлардан, хусусан, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ахборот глобаллашуви туфайли турли мафкуравий таъсирлар, айниқса, ёшлар тафаккурини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайган бугунги даврда бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.



Ахборот глобаллашуви туфайли турли мафкуравий таъсирлар, айниқса, ёшлар тафаккурини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайган бугунги даврда бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри шакллантириш, уларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, онгу тафаккурини юксалтириш маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир.

— Бундай тадбирлар ёшларни фаол ва огоҳ бўлишга, диний экстремизм, ғиёҳвандлик, одам савдоси синга-рин жирканч иллатларга қарши муросасиз курашишга ундаши билан аҳамиятлидир, — дейди **Иккинчи Республика тиббиёт**

коллежи ўқувчиси Комила Акромова. — Бундай иллатлар, хусусан, «оммавий маданият» ҳали дунёқароши тўла шаклланмаган, ҳаётий позиция ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган ёшларга таъсир ўтказиши мумкин.

Глобаллашуви туфайли турли мафкуравий таъсирлар, айниқса, ёшлар тафаккурини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайган бугунги даврда бундай хатарларга қарши муросасиз яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

— Ҳозирги кунга келиб маънавий таҳдидлар асосан интернет тармоғи орқали кириб келаётганини ҳисобга олиб, ёшларимизда интернетдан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш борасидаги тушунириш-тарғибот ишлари кучайтирилмоқда, — дейди **ЎзХДП фаоли, Иккинчи Республика тиббиёт**

коллежи директори Миржалол Адиллов. — Ёшларимизнинг маънавий иммунитетини ошириш, уларни ўз касбининг моҳир мутахассиси, ижтимоий-сиёсий фаол шахс сифатида вожа етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда турли соҳаларда билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз тараққиёти, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани кайд этилди. Таълим муассасаларида ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда юрт равнақига дахлдорлик туйғусини тарбиялаш юзасидан олиб бориладиган ишларни янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши Булоқбоши туманида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган тадбир ташкил этди.

САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ

Унда вилоят партия кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутахассислари ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари қатнашди.

Дастлаб, «Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи» лойиҳаси доирасида Жамоатчилик қабули ўтказилиб, жойлардаги муаммолар ўрганилди. Оналар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш масалалари муҳокама этилди. Шундан сўнг бепул тиббий акция ўтказилди.

Акция давомида электротатимиз вакилларига ногиронлик аравачалари топширилди. 100 га яқин она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, дори-дармон тарқатилди. Даволанишга эҳтиёжманд она ва болаларга йўлланмалар берилди.

Тадбирнинг иккинчи босқичида «Эрта никоҳнинг олдини олиш она ва бола саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Суҳбат давомида маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари аъзолари, бошланғич ташкилотлар фаоллари Давлат дастурида белгиланган вазифалар, партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, санитария-гигиена ишларини янада кучайтириш масалалари хусусида сўз юритилди. Туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш лозимлиги таъкидланди. Эрта никоҳнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган имтиёзлар, қонунлар ва қонуноти ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Тадбир якунида муҳокама этилган масалалар бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Барно СОЛИЕВА,
ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши сектор мудири.

ИҚТИСОДИЁТ
САБОҚЛАРИ

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нима, ЯИМ ҳажмининг ошиши аҳоли турмуш даражасига қандай таъсир кўрсатади?

Ялпи ички маҳсулот —
мамлакат иқтисодий куч-қудрати мезони«ИҚТИСОДИЁТ САБОҚЛАРИ»-
НИНГ БУГУНГИ МАШҒУЛОТИНИ
ИҚТИСОДЧИ АКРОМ МЎМИНОВ
ОЛИБ БОРАДИ.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи асосий макроиктисодий кўрсаткич ҳисобланади. У мўайян даврда резидент ва норезидентлар томонидан мамлакат ҳудудига яратилган пировард товар ва хизматларнинг бозор нархларидаги қийматини акс эттиради.

Лекин ҳар қандай яратилган товар ва хизматлар ҳам ЯИМ таркибига ҳисоба олинмаслиги мумкин. Товар ёки хизмат ЯИМда акс эттирилиши учун у тугалланган бўлиши лозим. Масалан, нон ишлаб чиқаришни олайлик. Фараз қилайлик, фермер ҳўжалигида 1 миллион сўмлик бугдой етиштирилди. Етиштирилган бугдой тегирмонга олиб борилади ва у ерда унга айлан-тирилади, унинг қиймати 1,5 миллион сўмни ташкил этсин. У ҳолда бугдойни унга айлантиришда қўшилган қиймат 500 минг (0,5 миллион) сўм бўлади. Энди, ун тайёр нон ишлаб чиқариш учун нон цехларида жўнатилади, нон ишлаб чиқариш қиймати 1,8 миллион деб фараз қилсак, у ҳолда ун маҳсулотидан нон ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат 300 минг сўм (1,8 миллион-1,5 миллион=0,3 миллион ёки 300 минг сўм)га тенг бўлади. Демак, нон ишлаб чиқаришда яратилган жами қўшилган қиймат 1 миллион+0,5 миллион+0,3 миллион=1,8 миллион сўмга тенг бўлади.

Мана шу тарзда мамлакатда ишлаб чиқарилган барча пировард товар ва хизматларнинг қийматлари ҳисобланиб, уларнинг йиғиндиси олинса, яратилган ЯИМнинг қиймати ҳосил бўлади. Ушбу усул иқтисодиётда ЯИМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули деб аталади.

Миллий иқтисодиётда ЯИМни бошқа усуллар ёрдамида ҳам ҳисоблаш мумкин. Улардан бири — даромадлар усулидир. Ушбу усулга кўра, ЯИМ — мамлакатдаги барча иқтисодий бирликлар томонидан олинган

даромадларнинг йиғиндисидир.

Бу нимани аниқлатади? Маълумки, иқтисодий бирликлар турлича бўлиши мумкин: ёлланма ишчилар, тадбиркорлар, сармоя эгалари (инвесторлар), ер эгалари, акциядорлар ва ҳоказо. Ёлланма ишчилар меҳнат ҳақи кўринишида даромад олади. Тадбиркорларнинг даромади манбаи фойда, капитал эгаларининг даромади эса фойза кўринишидаги даромадлар ҳисобланади. Ер эгаларининг даромади рента ва акциядорларнинг даромади эса дивиденд ҳисобланади. Таърифга кўра, ушбу даромад турларининг йиғиндиси мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотга тенг бўлади.

Ялпи ички-маҳсулотни ҳисоблашнинг кенг тарқалган усулидан яна бири — **якуний истеъмол (ҳаражатлар) усулидир**. Ушбу усулда ЯИМ уй ҳўжаликларининг истеъмол харажатлари, давлатнинг жорий харажатлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жорий харажатлари, инвестиция харажатлари ва соф экспортнинг (экспорт ва импорт орасидаги фарқ) йиғиндисига тенг бўлади. Ушбу усул ёрдамида аҳолининг



харажатлари ва унинг таркиби, инвестицион фаоллик ва мамлакатнинг ташқи дунё билан алоқаларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузада таъкидлаганидек, «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамаздан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоизга ўсди». Бу эса мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг натижасидир.

2015 йилда ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 33,5 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги 16,6 фоизни ташкил этган. ЯИМ ҳажмининг ортishi аҳоли турмуш даражасига ихобий

таъсир кўрсатади.

Биринчидан, ЯИМнинг ортishi аҳоли даромадларининг ортishига сабаб бўлади. Масалан, ўтган йили 1 тонна помидор етиштирилиб, килоси 1500 сўмдан сотилган бўлса, жами даромад 1,5 миллион сўмни ташкил этади. Бу йил эса худди шу ер майдонидан помидор етиштиришнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда 1,5 тонна помидор етиштирилиб сотилса, жами даромад 2,25 миллион сўмни (помидор нархи ўзгармаган деб олинади) ташкил этади.

Иккинчидан, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортishi натижасида бюджетга келиб тушувчи солиқ тушумлари ҳажми ортади. Бу эса давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Учинчидан, ЯИМ ҳажмининг ортishi натижасида янги иш ўринлари яратилади ва аҳолининг иш билан бандлиги ортади.

Тўртинчидан, ЯИМ ҳажмининг ортishi натижасида ички бозорлар тўла-ди ва маҳсулотларнинг нархи барқарорлашади.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁЎРТА ЕР
ДЕНГИЗИДА10 мингдан ортиқ
муҳожир чўкиб кетган

БМТнинг қочқинлар масалалари билан шуғулланадиган агентлиги эълон қилган расмий ҳисоботда сўнгги 2 йил ичида кема ҳалокатлари туфайли жуда кўплаб муҳожирлар ҳалок бўлгани хабар қилинади, деб ёзади Haber7.com нашри.



Ўрта Ер денгизида 2016 йилнинг январь ойидан буюн 2814 киши суғға фарқ бўлган бўлса, ушбу рақам 2014 йилда 3500 тани, 2015 йилда эса 3771 тани ташкил этади.

Мутахассислар муҳожирлар кўпроқ чиқадиган мамлакатларга 60 миллиард евро миқдоридаги маблағ билан моддий ёрдам бериш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Еврокомиссия ЕИ мамлакатларига қўшимча 3,6 миллиард евро миқдорида маблағ ажратди. Ушбу маблағ Африканинг бир қатор қашшоқ давлатлариди қочқоқлар билан боғлиқ аҳоли назорат қилишга сарфланади.

Шунингдек, Еврокомиссия Европага қўнуний йўл билан келатган малакали муҳожирлар учун «моий хари́та» режасини ҳам кўриб чиқмоқда.

БЕМОР 17 ОЙ
ЮРАКСИЗ
ЯШАДИ

АҚШда аюракни кўчириб ўтказишга навбатда турган беморларга юраксиз узок вақт яшаш имконини берадиган янги технология муваффақиятли синовдан ўтказилди.

Стэн Ларкиннинг рюкзакига олиб юрган ускуна 17 ой давомида юрак вазифасини бажарди. Бу ҳақида CNET нашри хабар қилган.

Яъни, унга қўйилган сунъий юрак махсус қурилмага улаб қўйилди. Ушбу қурилманинг оғирлиги 6 килограмм бўлиб, у организмда қонни юргизиш вазифасини бажаради.

Аслида қурилма юраги буткул ўхшаган беморларга мўлжалланган. Қон айланишини таъминловчи биринчи кўча қурилма барча клиник синовлардан ўтган.

Бугунги кунда бутун дунёда кўчириб ўтказиладиган органларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Биргина АҚШнинг ўзида трансплантацияга 121 минг одам навбат кутиб турибди.

КОЛУМБИЯДАГИ
МАКТАБЛАРДАгазланган ичимликлар
сотилмайди

Колумбияда ичимлик ишлаб чиқарувчилар уюмаси газланган ичимликларни бир неча турини бошланғич мактабларга тарқатмасликлка чакирди. Бундан қўланган мақсад ўқувчиларнинг саломатлигини асрашдир. Бу ҳақда «News.day.az» хабар бермоқда.

Уюшма берган маълумотларга кўра, эндиликда ўқувчилар фақат маъданли ва тозаланган ичимлик сувини, мева шарбатлари ва газланмаган ичимликларни ичишлари мумкин, холос.

Шунингдек, бошланғич мактабларда газланган ва таркибиди кўп миқдорда шакар бўлган ичимликларни реклама қилиш ҳам тақиқланади.

Ўзбекистон
Меҳнат вазириХалқаро меҳнат
ташкilotи бош
директори билан
учрашди

Ўзбекистон меҳнат вазири Азиз Абдуҳақимов бошчилигидаги делегация Халқаро меҳнат ташкilotи (ХМТ) бош директори Гай Райдер билан учрашди. Швейцариянинг Женева шаҳрида ташкил этилган 105-Халқаро меҳнат конференцияси доирасида бўлиб ўтган учрашувда ХМТнинг етакчи департаментлари раҳбарлари ҳам қатнашди, дея хабар қилмоқда Меҳнат вазирилик ахборот хизмати.

ХМТ раҳбари ташкilot меҳнат соҳасида асосий тамойилларни амалга ошириш ҳамда бандлик ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича фаолиятининг янги йўналишларини шакллантириш, уларни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

31 май кунин Radisson BLU Tashkent меҳмонхонасида IBM компанияси томонидан «Хавфлардан доимо бир қадам олдинда. IBM Security Systems» мавзусида семинар ўтказилди, деб ёзади «Infocom.uz».

Унда IBM вакиллари, ахборот-коммуникация технологиялари, бизнес мутахассислари, шунингдек, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ходимлари иштирок этди.

Маърузачилар тингловчиларга IBM тизимидаги замонавий хавфлардан ҳимоя бўйича асосий қурилмалар ва уларга киритилаётган ўзгаришлар, энг муҳим маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, Компаниянинг IBM Security Qradar, IBM Security AppScan, IBM Power System каби тизимлари ҳақида маълумот берди.

Мақтаб
ўқувчилари
ўртасида
«Инглиз тили
билимдонлари»
аниқланди

Пойтахтимизда Халқ таълими вазирилик томонидан умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ўртасида «Инглиз тили билимдонлари» интеллектуал мусобақасининг республика босқичи ўтказилди.

Интеллектуал мусобақанинг 1-ва 2-босқичларида (туман шаҳар, вилоят) юқори натижаларга эришган 5-9-синф ўқувчиларидан иборат 5 ўқувчидан таркиб топган жамоа республика босқичида иштирок этди.

Халқ таълими вазирилик матбуот хизмати берган хабарга кўра, мусобақанинг барча босқичлари 3 шартдан иборат бўлиб, унда ўқувчиларнинг ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш қобилияти ҳамда улар томонидан инглиз тилида тайёрланган саҳна кўриниши баҳоланади.

Танлов натижаларига кўра, Тошкент шаҳри жамоаси 1-ўрин, Бухоро ва Андижон вилоятлари жамоалари 2-ўринни қўлга киритган бўлса, 3-ўринга Хоразм вилояти жамоаси лойиқ деб топилди. Қўлиб-ларга вазириликнинг диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Божхона имтиёзлари —
катта имконият

Давлат божхона қўмитаси томонидан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига берилаётган божхона имтиёзларининг аҳамияти мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Олий ҳарбий божхона институтида ўтган тадбирда таъкидлаганидек, республикада иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш, хорижий сармояларни ва энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

2008 йилда Президентимиз ташаббуси билан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилди. Ушбу индустриал зона мамлакатимизнинг марказий ҳудуди бўлган Навоий вилоятида барпо этилганлиги шубҳасиз, маъзур ҳудуднинг индустриал-иқтисодий ўсишига ҳам салмоқли ҳисса қўйди.

Жумладан, «Навоий» эркин

индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатга олинган ҳўжалик юритувчи субъектлар ушбу зона фаолият кўрсатадиган бутун муддатга, яъни 30 йилга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хориждан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, шуни-нгдек, хомашё материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан озод қилинади.

Бугунги кунга қадар ушбу зонада Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амириклари каби ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, автомобиль учун зарур бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, телевизор тунерлари ва модемлар, мобил телефон ва смартфонлар, планшет ва ноутбуклар, светодиод лампалар ва юқори қўламли чидам-

ли кабеллар, алюмин профи-лар ва алюминдан ясалган буюмлар, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, болалар тағликлари ва косметика буюмлари, пластик ва полимер буюмлар ишлаб чиқариш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, ўраш ва сақлашга ихтисослашган 23 корхона рўйхатга олинган.

2015 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатга олинган ҳўжалик юритувчи субъектларга божхона тўловларидан жами 26,8 миллиард сўм имтиёзлар берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида ушбу кўрсаткич 3,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси субъектлари учун жорий қилинган божхона тўловларидан имтиёзлар кўпроқ экспортни ривожлантиришга қаратилган бўлса, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зонасида жорий қилинган имтиёзлар ушбу ҳудудларга чет эл инвестицияларининг кўпроқ кириб келишини рағбатлантиради.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БУНЁДКОРЛИК

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА»
бирданига 400 кишини қабул қилади

Бухоро вилоятидаги машҳур «Ситораи Моҳи хоса» санаторий-сида 200 ўринли янги ётоқхона ва бир йўла 100 кишига хизмат кўрсатувчи қуруқ хаво билан даволаш бўлими қуриб фойдаланишга топширилди.

Ушбу сихаттоҳда кейинги йилларда амалга оширилган кенг қўламли бунёдорлик ишлари бирданига 400 нафар дам олувчини қабул қилиш ва соғломлаштириш имконини бермоқда. Тиббиёт ва сервис хизмати замон талаблари

даражасида ташкил этилган. Шинам ошхона, клуб, спорт майдончаси, ахборот ресурс маркази, чўмилиш ҳавзаси, сауна кўнгилли ҳордиқ чиқаришга ёрдам беради.

Санаторийда уруш ва меҳнат фахрийлари учун алоҳида бўлим ташкил этилиб, махсус жиҳозланган хоналарда нуруний отахон ва онахонларнинг ёши ва эҳтиёжига яраша барча шарт-шароитлар яратилган.

Ўз муҳбиримиз.

ТАДБИР

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР КЎРИГИ

Самарқанд давлат университетидида кимё фани бўйича Республика фан олимпиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги олий ўқув юртлари талабалари иштирок этишди.

Маъзур беллашувда Самарқанд давлат университети табиий фанлар факультети кимё бўлими 4-босқич талабаси Алишер Ишанқулов энг юқори натижага эришиб, қолибикни қўлга киритди.

Ўзбекистон Миллий университети талабаси Музаффар Мақсумов, Андижон давлат университети талабаси Миржало Мўминжоновлар иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Олимпиада қолиби Алишер Ишанқуловнинг ҳозирга қадар ўнга яқин илмий мақолалари ва тезислари халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий

журналларда нашр қилинган бўлиб, иқтидорли талаба «Самарқанд шаҳар атмосфераси зарарли ингридиентларининг солиштира мониторинги» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Шунингдек, олимпиадада «Энг зукко талаба», «Назарий илмлар билимдони», «Энг яхши амалиётчи», «Энг фаол талаба» каби номинациялар бўйича ҳам қолиблар аниқланиб, улар диплом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Қадриддин ХАЛИЛОВ,
СамДУ доценти.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон мустақиллик ва мустабидлик йилларида

Бу каби саволларга бирданига жавоб бериш қийин. Чунки мустабидлик давридаги муаммоларни ҳам, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотларни ҳам санаб адоғига етиш қийин. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўткир масалалар, аҳоли турмушидаги қийинчиликлар босқичма-босқич бартараф этиб борилди. Масалан, истиқлолнинг дастлабки йилида минглаб аҳолини ичимлик суви билан таъминлаган 243 километрлик Туямўйин-Нукус-Чимбой-Тахтақўпир сув

тармоғи, 2000 йили Нукус шаҳрини Хўжайли тумани билан боғловчи янги кўприк, 2001 йилда Нукус-Султон Увайтоғ-Мискин-Учқудуқ-Тинчлик-Навоий темир йўли ишга туширилди.

Мустақиллик йилларида барпо этилган ва ўз маҳсулотини хорижга чиқараётган Кўнғирот сода заводи, Уст-юрт газ-кимё мажмуаси Қорақалпоғистон санаятининг юксалиш даврини бошлаб берди.

Хорижлик шериклар билан кашф этилган «Жел», «Гарбий Орол», «Тиллал», «Сайхун», «Инъом», «Арслон»

конлари мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Амударё туманидаги «Камекс-КК» корхонасида момиқ, Кегайли туманидаги «Авто Қайип майши» масъулияти чекланган жамиятида ойига 50 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўлкада намунали лойиҳалар асосида 2982 қишлоқ уйлари қурилиб битказилди. Бу ишлар давом эттирилмоқда. 93 касб-хунар коллежи, 10 академик лицей барпо этилди.

Ўтган йили Нукус шаҳрида замонавий «Бахт уйи», Дўстлик канали

қирғоғида кўплаб кўнгилочар, дам олиш масканлари ҳамда «Тошкент» меҳмонхонаси қошида замонавий «Ёшлар маркази» фойдаланишга топширилди.

Нукус шаҳри, Амударё, Эллиққалъа, Бегуний, Хўжайли туманларидаги «Камолот» уйларида ҳовли тўйлар ишонланди.

Ҳозирги кунда республикада 37 замонавий шифохона, 230 амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 188 қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бундай мисолларни кўпайиб келтириш мумкин.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: БУГҲН ВА КЕЧА



«Қорақалпоғистон» кўчаси бугун ва кеча.



Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрининг бугунги ва олдинги қиёфаси.



«Хотира» хиёбони бугун ва ўтмишда.



«Бахт уйи» биносининг бугунги кўриниши ва илгариги ўрни.



«Қирқ қиз» тўйхонаси бугун ва кеча.



ИНТЕРНЕТ-СУХБАТ

ЯПОНЛАРГА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАТАЯПМАН,

дейди Токио чет тиллар университети магистранти Фахриддин Эргашев

Д.А.С. 201



— 1991 йил 7 августда Тошкент шаҳрида туғилганман, — дейди у. — Оилада олти кишимиз. Отам, онам, икки нафар синглим. Отам Нуриддин Сайдуллаев хусусий тадбиркор, онам Маликаҳон Сайдуллаева 203-умумтаълим мактабиди рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Укам Бахтиёр Тошкент давлат юридик университети талабаси, синглим ҳамшира. 2010 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтига япон тили мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилинганман ва 2014 йилда бу даргоҳни тамомладим.

— Японияда ўқиш имконияти қандай пайдо бўлди?

— 4-курсад ўқиган вақтимда магистратура дастури учун Япония фан, таълим, маданият вазирлиги томонидан танлов эълон қилинди. Танловдан муваффақиятли ўтиб, 2014 йилнинг октябры ойидан бошлаб Японияда грант асосида таълим олмоқдаман.

— Таълим олаётган университетингиз ва йўналишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Японияда мен таълим олаётган ўқув даргоҳи Токио чет тиллар университети деб номланади. Университетлар рейтингиди биринчи бешталикка кирди. 1873 йилда ташкил топган. Ҳозирда бакалавр, магистратура, докторантура йўналишларида 5000 га яқин талаба тахсил олмоқда. Мен халқаро тил ва жамият факультетида халқаро муносабатлар йўналишида таълим олмоқдаман.

Японияда талаба ўз устиди ишлашига катта эътибор қаратилади. Дарс қизиқишига кўра талабалар томонидан танланади. Магистратурада битириш учун 15 дан ортиқ фандан баҳо олиш керак бўлади. Дарслар инглиз ва япон тилларида олиб борилади. Ҳар бир талабанинг институт интернет дастурида ўз профили бўлиб, дарсларни танлаш, ўз вақтида бажариш каби ишларнинг ҳаммаси электрон тарзда амалга оширилади. Бакалавр йўналишидаги талабалар дарсдан бўш вақтларида институт миқёсидаги турли тўғаракларга қатнашадилар. Тўғараклар ҳам жуда кўп: санъат, мусика, спорт, чой маросими. Унда деярли барча талабалар иштирок этишади.

Мен дарсдан бўш вақтларимда спорт билан шуғулланаман. Шунингдек, Япония — Ўзбекистон жамиятида японларга ўзбек тилини ўргатаман. Ҳозирда 40 нафарга яқин турли ёшдаги японлар ўзбек тилини катта иштиёқ билан ўрганишмоқда.

— Япон халқига қандай таъриф берасиз?

— Японлар жуда меҳнатсевар халқ. Арзимасдек туолган ишни ҳам катта иштиёқ билан бажаради. Уларда масъулият ҳисси жуда кучли, ваъда берса, албатта амалга оширади. Мени хайрон қолдирган жиҳат шуки, бу давлатда техника воситаларидан тасаввур қилганимдан ҳам кўпроқ фойдаланишар экан. Ҳар қадамда замонавий техникалар билан жиҳозланган

юртда яшаётганлигини ҳис қила-сиз.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги «Япон мўъжизаси» мени доим хайратга солиб келади. Деярли вайрон бўлган давлатнинг жуда қисқа фурсат ичида дунёнинг иккинчи рақамли иқтисоди тараққий этган давлатига айлангани таҳсинга сазовор. Япония ҳақида кўп эшитганим, ўқиганим учун япон тилини ўргандим. Мен яқиндан таниган япон профессори доим бир гапни айтди: «Ўзбеклар меҳнатсеварликда японларни ҳам ортда қолдиради. Ўзбекларнинг салохияти жуда юқори. Агар шундай ривожланишда давом этадиган бўлса, яқин йилларда дунёнинг барқарор иқтисодига эга давлатига айланади». Бундай фикрлар менга фахр-ифтихор бағишлайди, янада тинимсиз меҳнат қилишга, олдинга интилишга ундайди.

— Апрель ойида Япониядан хуш хабар келди. Сиз Япония ташқи ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган нотиклик танловига ғолиб бўлдингиз. Шу танлов ҳақида гапириб берсангиз.

— Хориж элчихоналари ходимлари ва чет элликлар ўртасида ўн тўққизинчи бор ўтказилган япон тилида нотиклик санъати танловига қатнашиб, биринчи ўринни ҳамда Япония ташқи ишлар вазирлигининг махсус совринини кўлга киритдим. Ўшбу тадбир японлар ва чет элликлар ўртасида жуда машҳур ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Япония телевидениеси ва машҳур газеталарида кенг ёритилди. Тадбирда 22 давлатдан 24 нафар иштирокчи қатнашди. Бундай танловда биринчи марта Ўзбекистон вакили сифатида ғолиб бўлганим менга жуда катта фахр бағишлайди.

— Келажакдаги режаларингиз ҳақида...

— Келажакдаги режаларим ўқишни тугатиб, Ўзбекистонга қайтиш. Болалигимдан дипломат бўлишни орзу қиламан. Шунинг учун ҳам немис, инглиз, япон тили каби чет тилларини кўп билан ўрганишга интилдим. Келажакда Ўзбекистоннинг дунёнинг бошқа давлатлари билан дўстлик алоқалари мустаҳкамлашиб боришига озгина бўлса-да ҳисса қўша олсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АбЗАМ суҳбатлашди.

БУНЁДКОРЛИК

АНДИЖОННИНГ ЯНГИ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Андижон шаҳрида миллий ва замонавий меъморчилик аънавалари асосида бунёд этилган вилоят қўғирчоқ театрининг янги биносининг таълим қилинишига топширилди.

Ушбу маданият ва маърифат маскани Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнида кичиктойларга муносиб туҳфа бўлди.

Муҳташам қошонанинг очилиш маросимида иштирок этган Андижон вилояти ҳокими Шўхратбек Абдурахмонов, Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги Баҳодир Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Мирза Азизов ва бошқалар ушбу қўғирчоқ театри жажжи фарзандларимизни маънавияти юксак инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётгани таъкидлашди.

Болажонларни бағрига олган қўғирчоқ театри «Бунёдграждисервис» масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан қурилди. Бинонинг биринчи қаватида 300 ўринли томоша ва машғулот заллари, санъаткорлар учун хизмат хоналари, қўғирчоқлар тайёрлашга мўлжалланган устакхоналар, музей, тикув



цеҳи, тиббиёт маскани ўрин олган. Иккинчи қаватда эса хореография зали ва драма тўғараклари маркази фаолияти йўлга қўйилган.

Театр биносининг олди тарафидаги майдонга аттракционлар ўрнатилди. Бир гектардан иборат театрнинг теварак-атрофи кўламазорлаштирилиб, обод қилинди. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 8 миллиондан зиёд маблағ сарфланди.

Театрдаги шароитни кўриб қувондим, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шомурод Юсупов. — Янги санъат даргоҳи барча сахнавий ва техник талабаларга жавоб бериши менга маъқул бўлди. Энг муҳими, бу ерда дунё қўғирчоқ театри санъатининг

беш жанрдаги спектакллари намойиш этиш учун шароит яратилган.

Шу кун Ватанимиз мустақиллиги, тинчлик, дўстлик, миллий кадриятларни тараннум этиш, бадиий жамоалар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёш тамошбинларга қўғирчоқ театри санъатининг энг мукаммал намуналарини ҳавола қилиш мақсадида ўтказиб келинаётган Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг X аънавий республика кўрик-фестивали очилди. Унда Фарғона қўғирчоқ театри жамоаси томонидан сахналаштирилган «Самоларда учган алолма» спектакли намойиш этилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

СПОРТ

«Локомотив» рақибни аниқ

Куни кеча Куала-Лумпур (Малайзия)да футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси 1/4 финал босқичига қўғирчоқ ташланди.

Мазкур нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Айн» футболчилари билан куч синашади. Чо-рак финалнинг дастлабки учрашуви ҳамоюртларимиз 23 август куни меҳмонда ўтказишади. Жавоб ўйини эса 13 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтади.

Маълумот ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Ал-Айн» жамоаси бу йилги мавсумда Осиё чемпионлар лигасининг «D» гуруҳида Қаршиннинг «Насаф» футболчилари билан куч синашган эди. Қаршида кечган баҳсда (1:1) дуранг қайд этган «Ал-Айн» ўз майдонида 2:0 ҳисобида ғолиб чиққанди.

Чорак финалнинг барча жуфтликлари билан танишинг: «Ал-Айн» (Бирлашган Араб Амирликлари) — «Локомотив» (Ўзбекистон), «Ал-Жаиш» (Қатар) — «Ан-Наср» (Бирлашган Араб Амирликлари), «Шандон Лунент» (Хитой) — «Сеул» (Жанубий Корея), «Чонбук Моторс» (Жанубий Корея) — «Шанхай SIPG» (Хитой).

Эркин ХОЛБОБОВ